ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШТИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Маматкулов Илҳом Абдурашидович
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти ректори, и.ф.д., доц.
https://doi.org/10.5281/zenodo.19313159

Аннотация. *Мазкур мақолада мамлакатимизнинг бой маданий мероси, тарихий обидалари ва гўзал табиати билан, туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратиши, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш вазифаси, шунингдек хорижий туристлар ташрифи бўйича Ўзбекистон пандемиядан олдинги даражани ошириш, хорижий туристларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида виза режимини соддалаштириш, янги йўналишларни ишлаб чиқиш, соҳа билан боғлиқ лойиҳаларга инвестиция киритиш, йирик тадбирларни ўтказиш бошқа шу каби долзарб масалаларига эътибор қаратилган..*

Калит сўзлар: *туризм, туризм салоҳияти, тараққиёт параметрлари, модернизация, диверсификация, стратегия, ихтисослаштириш, ташқи ва ички туризмни ривожлантириш.*

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган.

Мамлакатимизда туризм соҳасининг жорий ҳолати таҳлили қиладиган бўлсак, Ўзбекистон жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга, унда жами 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд, улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар – "Хива шаҳридаги Ичан-қалъа", "Бухоро шаҳрининг тарихий маркази", "Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази", "Самарқанд шаҳри" ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Сўнгги йилларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, шу жумладан Тошкент шаҳрида "Hyatt Regency Tashkent" ва "Lotte City Hotel Tashkent Palace" брендли меҳмонхоналар очилиши, Андижон, Урганч ва Тошкент шаҳрида маданий-кўнгилочар боғларнинг ташкил этилиши, "Ангрен-Поп" темир йўли очилиши, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига тезюрар поездлар учун электрлаштирилган темир йўллари очилишини айтиб ўтиш жоиз.

Туризм соҳасида давлат сиёсати истиқболда ҳудудлар ва уларнинг инфратузилмасини комплекс жадал ривожлантиришда туризм соҳаси етакчилик қилиши, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечиш, иш ўринларини кўпайтириш, ҳудудлар диверсификацияси ва ривожланишини таъминлаш, аҳолининг даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва имиджини яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадлари туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айлантириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани, шу жумладан хорижий сармояларни жалб қилиш ва самарали реклама-маркетинг ишларини олиб бориш эвазига такомиллаштириш орқали мақсадли кўрсаткичларга эришишни кўзда тутади.

Жумладан, туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

2019-2020 йилларда – туризмни ривожлантириш учун мустаҳкам қонунчилик базани яратишга қаратилган институционал ислоҳотлар, инфратузилмани модернизациялаш ва мамлакат брендини тарғиб қилиш;

2021-2025 йилларда – мамлакат иқтисодиётида туризм индустрияси улушини кўпайтириш. Ушбу йўналишда зарур инфратузилмани ривожлантириш ва дунё бозорида республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш орқали мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида туризм улушини 5 фоизгача (2017 йил якуни бўйича - 2,3%) етказиш, шунингдек, 2025 йил якунига қадар 9 миллиондан ортиқ туристларни, шу жумладан узоқ хориждан 2 миллион туристни жалб қилиш белгилаб қуйилган.

Узоқ истиқболда Ўзбекистон туризми миллий иқтисодиётдаги ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, минтақа ва дунё туристик хизматлари бозорига энг рақобатбардош давлатлар қаторида кириб бориши мумкин.

Туризм соҳасида қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифа ва устуворлардан келиб чиқиб, қуйидаги асосий йўналишлар бўйича чора-тадбирларни фаол амалга ошириш кўзда тутилган:

1. Туристик фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни жорий этиш;

2) Туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани ривожлантириш;

3) Транспорт логистикасини ривожлантириш, ташқи ва ички йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш;

4) Туризм бозорининг турли қатламларига мўлжалланган туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш орқали мавсумий омиллар таъсирини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

5) Республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминлайдиган ички туризмни ривожлантириш;

6) Ўзбекистон Республикаси туристик маҳсулотини ички ва ташқи туризм бозорларида илгари суриш, унинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш;

7) Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш профессионал кадрлар тайёрлови борасида интеграциялашган тизимни яратиш, таълим ва хизмат кўрсатиш

сифатини ошириш, юқори малакали менежер, администратор, оператор ва портье, ошпазларга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, мазкур вазифаларни амалга ошириш тизимли назорат олиб бориш, умумий мувофиқлаштирув, тезкор кўриб чиқиш ва республикада туризмни ривожлантириш бўйича муаммоли масалаларни ҳал этиш, туризм, спорт, маданий мерос, транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаларида давлат-хусусий шериклик ҳамда рақамлаштиришни ривожлантириш масалалари сифатли ва самарали таъминлашни талаб этади..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йилнинг 12 январдаги “Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (lex.uz);
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 16 октябрдаги Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессиясидаги нутқи (president.uz);
3. Alieva, M. T. (2023). Development of smart tourism in Uzbekistan. “Journal of Tourism Futures” №1. P. 189-202.